

**БАДИИЙ ГОЯ** - адабиёт ва санъат асарлари замиридаги китобхон ва тингловчи, томошабинга етказилмокчи бўлган эмоционал образли фикр. Хаётда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган хар кандай воқеа-ходиса, кечинма, ўй-фикр адабиёт ва санъат асари учун объект вазифасини ўташи мумкин. Бирок ижодкор хар кандай воқеа ва унинг иштирокчилари, фикр-кечинмаларни каламга олавермайди. Олам ва одам хақидаги муайян фикр-хулосаларини замондошларига таъсирчан бир тарзда етказа оладиган ходиса ва ҳолатларни танлайди, ўзича уларга бадиий ишлов бериб, ихлосмандлар хукмига ҳавола қилади. Бадиий гоянинг эмоционал таъсир кучи воқеа-ходисанинг, фикр-кечинманинг муҳимлиги ҳамда уни тасвирлаган ёзувчи ёки санъаткорнинг дунё-караши ва маҳорати билан белгиланади. Бинобарин, бадиий гоя ижодкор тафаккури меваси ва шу тафаккурнинг у ёки бу асардаги воқеа ва кечинма тасвиридан келиб чиқувчи эмоционал таъсир кучига эга бўлган образли кўринишидир. Инсон бу дунёдаги мўъжизалардан бири Ниагара шалоласини кўриб, махлиё бўлиши, чўчиши ёки хайратланиши мумкин. Агар шу шалоланинг хайратомуз манзараси бадиий асарда муайян мақсадда тасвирланган бўлса, ундан келиб чиқувчи эмоционал образли фикр китобхонни хайратга солибгина қолмай, унда бошқача фикр ва кайфият уйғотади. У мазкур асарни ўқиб инсон табиат кучлари олдида ожиз мавжудот, деган қарорга келиши мумкин. Аксинча, ана шу дахшатли гўзаллик ҳам Инсон учун Аллоҳ томонидан яратилган, деган юксак бир фикрга келиши ҳам табиий бир ҳол. У қандай фикрга келишидан қатъи назар, бу фикр-хулоса шу воқеа тасвир этилган асар замирида ётган ва муаллифнинг нияти билан боғлиқ бўлган бадиий гоя самарасидир. Кейинги йилларда жаҳон адабиётшунослигида адабиёт ва санъат асаридаги гоянинг мавжудлиги ва инсон тарбиясидаги ролини бутунлай рад қилишга ҳаракат сезилмокда. Холбуки, гояни бадиий фикр сифатида инкор қилиш адабиёт ва санъатни маслаксийликка, маъносизликка олиб боради.